

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРОНОВА МАҲФУЗА ИСРОИЛОВНА

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ИНДИВИДУАЛ
УСЛУБ ПОЭТИКАСИ
(Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр ва
Абдували Қутбиддин шеърияти мисолида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по филологическим наукам

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on Philological
Sciences**

Давронова Махфуза Исроиловна

Ҳозирги ўзбек шеърлятида индивидуал услуб поэтикаси (Усмон Азим,
Иқбол Мирзо, Фахриёр ва Абдували Қутбиддин шеърляти
мисолида).....3

Давронова Махфуза Исроиловна

Поэтика индивидуального стиля в современной узбекской поэзии (на
примере поэзии Усмана Азима, Икбала Мирза, Фахрияра и Абдували
Қутбиддина)..... 31

Davronova Makhfuza Isroilovna

The poetics of individual style in contemporary uzbek poetry
(by the example of the poems by Usmon Azim, Iqbol Mirzo,
Fakhriyor and Abduvali Qutbiddin)..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 64

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРОНОВА МАҲФУЗА ИСРОИЛОВНА

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ИНДИВИДУАЛ
УСЛУБ ПОЭТИКАСИ**

**(Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр ва
Абдували Қутбиддин шеърияти мисолида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Филология фанлари доктори (Dsc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.3DSc/Fil93 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ҳасанов Шавкат Аҳадович
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Йўлдошев Бойназар
филология фанлари доктори, профессор

Раҳимжонов Нўъмон
филология фанлари доктори, профессор

Сабирдинов Акбарали
филология фанлари доктори

Етакчи илмий муассаса:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети бош бино, 1-қават, анжуманлар зали(105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

А.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

А.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида услуб - давр, йўналиш ҳамда индивидуал хусусиятни қамраб олувчи тушунчалардан бири бўлганлиги сабаб бу масалага алоҳида диққат қаратилмоқда. Поэтик услубни шакллантирувчи воситаларни аниқлаш, янги услубий йўналишлар ва усуллар хусусидаги илмий-назарий ёндашувлар асосида шоир услуби феномени, услубни ташкил этадиган унсурлар ва уларнинг асар тизимидаги аҳамияти каби масалаларни атрофлича чуқур тадқиқ этиш орқали бадиий ижоднинг баҳсли масалаларига аниқлик киритилаётганлиги кузатилмоқда. Айни пайтда ўрганилаётган масалага биографик маълумотларнинг ўрнини, индивидуал услубда адабий композицияни белгиловчи омилларни аниқлаш, услубнинг усул, манера, метод тушунчаларидан фарқли жиҳатларини асослаш, унинг ўзига хос поэтик категория эканлигини кўрсатиш, ижодкорнинг услуби ва давр услуби масалаларини ойдинлаштириш каби қатор муаммоларни яхлит тизим ҳолида тадқиқ этиш зарурати мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Жаҳон адабиётшунослигида ижодкор услубини белгиловчи омиллар: у яшаган муҳит, даврдаги етакчи талаблар, улар озикланган манбалар, адабий-эстетик қарашларнинг шаклланиши, “мен”ликнинг ижодда намоён бўлиши каби масалалар бўйича муайян ишлар амалга оширилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан бирга замонавий адабиётшуносликда индивидуал услуб ва поэтик маҳоратни жанрлар ва шакллар ранг-баранглигида, сюжет ва композиция яхлитлиги нуқтаи назаридан, романтик, реалистик, модерн ва постмодерн ҳамда тасаввуф андозалари доирасида илмий назарий жиҳатдан ўрганиш зарурати сезилмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек шеърлятида миллий ўзликни сақлаб қолишни бурч деб билган, айни пайтда, ҳаётнинг маъносини ва инсон қалб сирларини англашга, бугунги воқеликдан ўз ўрнини танишга интилаётган лирик қаҳрамонлар пайдо бўлди. Замонавий шеърлятимиз поэтикасида кечаётган ўзгаришларни тадқиқ этишда Усмон Азимдаги бахшиёна ва интеллектуаллик, Иқбол Мирзодаги халқоналик, Фахриёр услубидаги модерн ва постмодерн хусусиятлар, Абдували Қутбиддин ифода тарзидаги тасаввуф оҳанглар устуворлиги каби асослар ушбу тадқиқотимиз учун етарли материал бера олади. Услуб феноменини ўрганиш биринчидан, “...бадиий ижод аҳлининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш”¹ини кўрсатса, иккинчидан, уларнинг жамият ва ҳаёт ҳақидаги хулосаларини аниқлашга ёрдам беради. Шоир ва унинг ўзига хос услуби, у яратган лирик қаҳрамон табиатида кечаётган ўзгаришлар, инсон руҳий оламини англаш, қайта мушоҳада қилиш, оламини поэтик идрок этиш каби масалалар талқини бугунги кунда янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил, 5 апрелдаги ПҚ-3350-сон рақамли “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2018 йил 6 апрель № 15 (4465)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси¹да бу масалаларга алоҳида аҳамият қаратганлиги фикримизни далиллайди ҳамда ушбу диссертация бу борадаги ишларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот мавзуси мамлакатимизда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос келади. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Жаҳон адабиётшунослигида услуб феномени, шоир манераси ва унинг ўзига хос олами, услуб поэтикаси жаҳоннинг етакчи марказларида, жумладан, Cambridge University, Oxford University, Yale University (Англия), Süleyman Demirel Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Туркия), Institut sociálních vztahů, Univerzita Karlova (Прага), New York University, Georgetown University, University of Texas (АҚШ), Москва Давлат университети (Россия) ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (Ўзбекистон)да тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида услубшуносликнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, шеъриятда индивидуал хусусиятларни ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар негизда қуйидаги илмий натижалар олинган: услубнинг назарий асослари ишлаб чиқилган ва методологияси яратилган (Cambridge University, Oxford University, Yale University, Great Britain); матн тури: муаллиф ёки ҳикоячи ифодаси, диалогик ва монологик кўринишлари услуб нуқтаи назаридан аниқланган (Süleyman Demirel Üniversitesi, Ankara Üniversitesi, Turkiya); ўзига хос матнда ишлатиладиган диалектик қатлам, вақт тушунчасида ижодкорнинг асар яратган лаҳзалари ёки асарни даврга боғловчи тушунча сифатида қаралиши юзасидан услуб концепцияси яратилган (Institut sociálních vztahů, Univerzita Karlova Praha); семиотиканинг бир тамоғи сифатида услуб категориялари аниқланган (New York University, Georgetown University, University of Texas, USA); муаллиф нуқтаи назари асосида услуб феномени ишлаб чиқилиб, услуб назарияси яратилган (Москва Давлат

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида.// Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль. № 28 (6722) –б.1-2.

² Диссертация бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи [http:// www.scopus.com](http://www.scopus.com), <http://www.sosyalarastirmalar.com> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

университети, Россия); ўзбек мумтоз адабиётида йўналиш сифатида услуб поэтикаси аниқланган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон).

Дунё адабиётшунослигида услуб поэтикаси бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: услуб юзасидан вақт тушунчасида ижодкорнинг асар яратган лаҳзалари ёки асарни даврга боғловчи тушунча сифатида қаралишини тадқиқ этиш; услубни аниқ профессионал йўналиш сифатида белгилаш; қаҳрамоннинг матндаги ёки ижтимоий ҳаётдаги ўрнини очиб бериш; канал, код каби асосларнинг бугунги шеърийат нуқтаи назаридан белгилаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётшуносликда услуб назарияси А.Н.Соколов томонидан “Услубнинг эстетик қиммати фақат унинг ғоявий - образли мазмуни билан алоқадорликда аниқланиши мумкин” – дея берилган баҳо бугунги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда.

Услуб поэтикаси хусусида рус адабиётшунослигида А.Н.Соколов, М.Н.Османов, Г.Н.Поспелов, Е.А.Куянцева, И.И.Гиляева, Н.Д.Павлова, И.В.Ерохина, В.А.Алафаева, М.С.Сулейманова, Е.В.Ларченкова ҳамда ўзбек адабиётшунослигида Фитрат, И.Султон, Н.Шукуров, С.Мамажонов, Ҳ.Болтабоев, Т.Расулов, И.Тўлаков, Н.Джуманиязова, Д.Холдоров, Д.Тажигаева ва бошқа олимлар бир қанча ишларни амалга оширишган¹. Умуман, поэтика, лирика ва ижодкор олами хусусида кўп аспекти тадқиқотлар мавжуд².

¹ Соколов А.Н. Теория стиля. -М., 1968, Османов М.Н. Стиль персидско-таджикской поэзии. IX-X вв.-М., 1974; Поспелов Г.Н. Вопросы методологии и поэтики. -М., 2003; Уоррен О., Уэллек Р. Теория литературы. - М., 1987; Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. -Тошкент, 1973; Расулов Т. Адабий ижодда услуб// Адабиёт назарияси II том. -Тошкент, 1978; Куянцева Е.А. Кабардинская лирическая поэзия XX века: культурно-эстетическая основа, поэтика жанров и стилей: диссерт.док.фил.наук. - Нальчик, 2009; Гиляева И.И. Гамиль Афзал: лирика и сатира (Авторская позиция и художественность). Диссерт.кан.фил.наук.-Казань, 2004; Павлова Н.Д.. Особенности индивидуального стиля Леонида Мартынова. Автореф.диссерт.кан.фил.наук. -М., 2011; Ерохина И.В. Стиль эпохи серебряного века и творческая индивидуальность Анны Ахматовой. Автореф.диссерт.кан.фил.наук. -М., 2001; Алафаева В.А. Художественные истоки и формирование новой поэтики в литературах Северного Кавказа: на основе творчества А.Кешокова и К.Кулиева. Автореф. диссерт.кан.фил.наук. -Нальчик, 2007, Сулейманова М.С. Лирика Фазу Алиевой: жанровое своеобразие и особенности поэтики. Автореф.диссерт.кан.фил.наук. -Махачкала, 2000; Тамарченко Н.Д. Теория литературы. В двух томах. Учебное пособие. 3-е издание. -М., 2008; Бореев Ю.Ю. Эстетика. Теория литературы. Т.4. Литературный процесс. -М., 2002; Борев Ю.Ю. Теория литературы // Энциклопедический словарь терминов. - М., 2003; Фесенко Э.Я. Теория литературы. Учебное пособие. Издание второе, исправленное и дополненное. - М., 2005; Фитрат. Адабиёт қоидалари. -Тошкент, 1995; Султон И. Адабиёт назарияси. -Тошкент, 1980; Мамажонов С. Услуб жилолари. - Тошкент, 1988, Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини. Фил.фан.док.диссерт.автореф., - Тошкент, 1994; Джуманиязова Н. Истиклол даври ўзбек лирикасида услубий изланишлар. Фил.фан.номз.диссерт.автореф., -Тошкент, 2011; Холдоров Д. Ижод моҳияти – услуб ҳосияти. -Тошкент, 2017.

² Гинзбург Л.Я. О лирике. - М-Л., 1964; Теория литературы. Лирика. - М., 1964, И.К. Кузьмичев. Введение в общее литературоведение XXI века. - Нижний Новгород. 2001; Эткинд Е. Разговор о стихах. - М., 1970; Сильман Т.И. Заметки о лирике. - Л., 1978; Дрыжаква Е. В волшебном мире поэзии. - М.,1978; Вишневский К.Д. Мир глазами поэта. - М., 1979; Альфонсов В. Поэзия Бориса Пастернака. - Л., 1990, Маркович В.М. Пушкин и Лермонтов в истории русской литературы. - С.-Пб., 1997, Потенба А.А. Теоретическая поэтика. - М., 1990; Жирмунский В.М. Лирическая манера повествования. // Жирмунский В.М. Байрон и Пушкин. -Л., 1978; Тимофеев Л.И. Основы теории и истории русского стиха. - М., 1958; Медриш Д.Н. Литература и фольклорная традиция. - Саратов, 1980; Тынянов Ю.Н. Стиховые формы Некрасова. / Тынянов Ю.Н. Поэтика. История литературы. Кино. -М, 1977; Т.М.Двинятина Специфика прозаического в поэзии Бунина. - Русская литература, 1996; Афанасенкова Евгения Николаевна. Особенности творческой манеры Б.А.Ахмадулиной: Поэзия, проза: Диссерт.кан.фил.наук. - Ростов н/Д, 2005; Темирганова Г. Современная

Услуг тушунчаси авваламбор шаклга боғлиқ. Аммо у қахрамон, ғоя, сюжет, тил, метод, дунёқараш билан ҳам алоқадор. У “ижодкор билан боғлиқ равишда юзага чиқадиган ҳодиса” (Т.Расулов) бўлиб, унда “таҳлилчининг талқинини санъатнинг қонун-қоидаларидан ташқари бўлган шахсий ташаббус сифатида баҳоланади” (А.Н.Соколов) .

Мазкур диссертацияда ҳозирги ўзбек шеърятининг етук вакиллари: Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр ва Абдували Қутбиддин сингари шоирларнинг бошқа иждоқорлардан фарқланувчи ўзига хос услуги, ифода тарзи тадқиқ этилади. Тўғри, бу иждоқорларнинг асарлари ҳақида адабий жараёнда муайян ишлар амалга оширилган¹. Бироқ уларда услуб масаласи биринчи планга чиқарилмаган.

Ҳар бир даврнинг ўз ғоялари бўлганидек, шу ғояларга мувофиқ шакллари ҳам юзага келади. Албатта, кечаги адабиётдан бугунги адабиёт тубдан фарқланади. Демак, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ижодига кўйилган илмий-назарий ташхислар билан Усмон Азим ё Фахриёр ижодига ёндашиб бўлмайди. Давр ғоялари ва уларнинг шаклига ҳамоҳанг равишда ҳар бир янги иждоқорнинг поэтик услуги ҳам ўзгариб боради. Шу боис бугунги мураккаб адабий жараёнда иждоқорнинг ўзига хос услуги ва унда муаллиф дунёқарашини назарий ва тарихий-конкрет муаммо сифатида қайта тушуниб етиш эҳтиёжи пишиб етилди. Замонавий ўзбек назми кўз ўнгимизда янги-янги поэтик қирралари билан бўй кўрсатиб, жаҳон адабиётининг таркибий қисмига айланмоқда. Энг муҳими, шоир яратаётган қахрамоннинг руҳий олами, унинг ранг-баранг қирралари салмоқдорлик касб этиб, асар мазмунини очишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёни шу асосда кўздан кечириш ушбу йўналишдаги изланишларни тўлдиради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Самарқанд давлат университетининг “Адабий тур, жанрлар ранг-

лезгинская поэзия. - Махачкала, 1987; Гасанова Д.Г. Художественное своеобразие творчества Азиза Алама: Диссерт. кан. фил. наук: -Махачкала, 2006.

¹ Сувонова Ж. Усмон Азим шеърятини бадиий тафаккур. – Тошкент, 2012; Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Тошкент, 1979; Салим Ашур. Ўзгараётган бадиий тафаккур// Ёзувчи, – 1997.30 июль., И.Ғафуров. Оҳанграбо қаерда?// Ўзбекистон маданияти. – 1979 йил, 13 февраль, Н.Шукуров. Сўз сеҳри – шеър меҳри. – Самарқанд, 1992; И.Ҳаққулов. Ғуссали юрак – ёлқинли юрак// Ўзбекистон адабиёти ва санъати – 1996 йил. 11 октябрь, Хуршид Даврон. Бўлар элнинг шоири// Туркистон газетаси. – 1996 йил, 12 октябрь, У.Норматов. Иждоқ сеҳри. –Т, 2007; И.Ғафуров. Мангу латофат. Бадиалар, рисоалар. 2-китоб. –Тошкент, 2008; Ҳ.Умуров. Эҳтиёж тафти. – Самарқанд, 2011; Ҳ.Умуров. Тирик шеърлар поэтикаси. - Самарқанд, 2016; Қ.Йўлдошев. Ёниқ сўз. –Тошкент, 2006; Н.Раҳимжонов. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. –Тошкент, 2007; У.Ҳамдам. Янгиланиш эҳтиёжи. –Тошкент, 2007; Хайитов А. 90 йиллар ёшлар шеърятини анъанавий ва шаклий изланишлар. Фил.фан.номзоди диссер. –Тошкент, 2003; Йўлдошева М. Ўзбек модерн шеърятининг асосий хусусиятлари. Фил.фан.ном.диссер.автор. –Тошкент, 2004; Sh.Xasanov. Doston tarkibi va tabiati. – Samarqand., 2011; Сабирдинов А. Маънавият ва маърифат чашмалари. – Тошкент: Akademnashr, 2016; Холова М. Ўзбек модерн шеърятини поэтикаси. Фил.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссерт.автор. –Фарғона, 2018.; Адабиёт – Ватандай муқаддас. Шоир Усмон Азим билан суҳбат. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2018, 9- ноябрь. ва бош., Тажибаев Д. XX асрнинг сўнгги чораги ўзбек шеърятини поэтик услуб муаммолари. Фил.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссерт.автор. –Фарғона, 2018.; Умирова С. Ўзбек шеърятини лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик. (Усмон Азим шеърятини мисолида). Фил.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссерт.автор. –Самарқанд, 2019.

баранглиги ва поэтикаси” йўналишидаги илмий-тадқиқот режалари таркибида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ҳозирги ўзбек шеъриятида индивидуал услуб поэтикасини Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр, Абдували Қутбиддин асарлари мисолида яхлит, тизимли ўрганиш, хусусан, мавзу, ғоя, лирик кечинма, композиция таҳлили, сюжет муаммоси, бадий асар, қаҳрамон дунёси, шоир дунёқараши каби поэтика муаммоларини илмий-назарий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат.

давр услуби ва индивидуал услуб тушунчасига аниқлик киритиш;

биографик маълумотларнинг услубни тайин этишдаги аҳамиятини тадқиқ этиш;

ҳозирги ўзбек шеъриятида услублар ва жанрлар ранг-баранглиги муаммосини ёритиш;

услуб поэтикаси феноменининг тарихий-ҳаётий асосларини аниқлаш;

ижодкорнинг адабиётдаги ўрнини белгилашда поэтик ғоянинг индивидуал услубга мувофиқлигини ўрганиш;

бадий услуб поэтикасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

бошқа иждоқорлар услубидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни қиёслаш.

Шунингдек, шоир услубининг бадий нутқ ва композиция билан ўзаро нисбатини аниқлаш, бадий услуб қамрайдиган тушунчаларга терминологик аниқлик киритиш, ишлаб чиқиладиган методология ва таҳлил усуллари мажмуини ўзбек адабиёти намуналари таҳлилида амалда қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти. сифатида Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр ҳамда Абдували Қутбиддиннинг шеърий тўпламлари, “Сайланма”лари танланган бўлиб, бугунги адабий жараён, унда бадий таҳлил ҳамда лирик асардаги услуб талқинининг усул ва тамойиллари ишлаб чиқилади. Назарий қоида ва ҳолатлар Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр ва Абдували Қутбиддин каби шоирлар ижодига тадбиқ этилади. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди ҳамда мумтоз адабиёт ва XX аср шеърияти намуналари қиёсий таҳлил учун тадқиқотга жалб этилган.

Тадқиқот предметини диссертацияга объект қилиб олинган шеърлар поэтикасининг услубга нисбат берадиган хусусиятлари ташкил қилган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида шоирлар ҳаёти билан боғлиқ бўлган лирик асарларни аниқлашда биографик усулдан, услуб феномени хусусидаги фикрларни аниқлаштириш мақсадида тарихий-қиёсий усулдан ҳамда адибларнинг руҳий-психологик эволюциясини кўрсатиш ва аниқлаш мақсадида психологик, структурал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда кўринади:

индивидуал услуб поэтикасини юзага чиқарувчи муҳит, давр, манбалар, адабий-эстетик қарашлар ва “мен”ликнинг иждоқда намоён бўлиши каби омиллар, уларнинг ўзаро муносабати, услублар ранг-баранглиги муаммоси ҳозирги ўзбек шеърияти вакиллари ижоди мисолида очиб берилган;

ижодкорнинг руҳий-психологик эволюцияси онг ва онгости жараёнларининг маҳсули эканлиги ҳамда унда ўзига хос дунёқарашнинг

шаклланиши, поэтик интеллектнинг вужудга келиши, бадий маҳоратнинг камол топиши каби бадиият масалалари муҳим аҳамият касб этиши исботланган;

Усмон Азимдаги бахшиёна ва интеллектуал, Иқбол Мирзодаги халқона, Фахриёр ижодида модерн ва постмодерн хусусият ҳамда Абдували Қутбиддин ижодидаги диний-фалсафий тасаввуф оҳанглари уйғунлиги каби индивидуал хусусиятларининг бадий-лисоний тамойиллари аниқланган;

адабий жанр, лирик тасвир ва поэтик услуб бирлиги масаласи яхлит системалаштирилиб, ҳозирги ўзбек шеъриятида фольклор ва мумтоз адабиётнинг таъсири аниқланган;

ҳозирги ўзбек шеъриятида поэтик услуб белгилари – микросюжет элементлари, композиция яхлитлиги, ранглар ва оҳанглар уйғунлиги, шеърий шакллар ва жанрлар ранг-баранглигининг назарий масалалари очиб берилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

услуб поэтикаси муаммосининг ҳозирги ўзбек назмида тутган ўрни, кўлами, бадий-эстетик хусусиятлари юзасидан илмий-назарий хулосалар чиқарилган;

адабиётшуносликнинг муҳим илмий-назарий масалалари: индивидуал услуб, лирик кечинма, адабий композиция, поэтик образ тушунчаларининг Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр ва Абдували Қутбиддин каби шоирлар ижодидаги ўрни белгиланган;

шоирларнинг поэтик маҳорати муаммоларига ойдинлик киритилиб, поэтик услубга доир илмий-назарий қарашлар умумлаштирилган;

мавзу, муаллиф, лирик қаҳрамон ва шоир “мен”ини бугунги адабиётшунослик ютуқлари ўзанида кўздан кечирилган;

ижодкорнинг ифода тарзи, тасвирлаш манераси ҳамда поэтик маҳорати аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий маълумотларнинг илмий ва бадий манбаалардан олинганлиги, олиб борилган таҳлиллар биографик, қиёсий-таҳлилий, баъзи ўринларда структуравий таҳлилий методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти услуб поэтикасининг кўпгина кўринишларини, унинг янгича сифат ва шакллари замонавий методологик ёндашувлар воситасида текширишнинг истиқболдаги имкониятларини кенгайтириш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот материаллари ўзбек адабиётида услуб поэтикаси муаммоси бўйича олиб борилган тадқиқотлар базасини тўлдиради, соҳа мутахассисларига услуб назариясини шеъриятда қандай ифода этилиши масалаларини тушуниб етишга, уни адабий жараён ривожини асосида турлитуман бадий усул ва йўсинлар билан бойиб борадиган тизим сифатида кўриб чиқишга кўмаклашади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълим тизимининг турли бўғинларида “Риторика” “Адабиёт назарияси”, “Адабиётшунослик методологияси”, “Бадий таҳлил асослари”, “Назарий поэтика” ва соҳага оид бошқа фанларни, махсус курсларнинг ўқув дастурларини, дарсликларини тайёрлаш, шунингдек, замондош шоирлар ижодига хос услуб поэтикасини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда замонавий ўзбек назмида шоир дунёқарашини тасвирлаш мавзусини ёритишга, назмдаги услуб масаласини ўрганишга доир илмий тадқиқотлар яратишда зарур манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги ўзбек шеъриятида услуб поэтикасини таснифлаш, таҳлил жараёнида илмий-назарий, маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр ва Абдували Қутбиддин каби шоирларнинг ўзига хос поэтик олами, образ яратиш тафаккури ҳамда услубини аниқлашга оид хулосалар ХТ-Ф2-004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 31 январдаги 89-03-517-сон маълумотномаси). Олинган нитажалар асосида фольклор анъаналарига хос бўлган образлар ва уларнинг бугунги шеъриятдаги ўрни аниқланган.

Шоирлар ижодида мифологик қарашларга бўлган муносабатга оид хулосалардан Ф1-ХТ-19919 рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадий тафаккур тараққиётидаги тутган ўрни” мавзусидаги ёш олимлар фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 31 январдаги 89-03-517-сон маълумотномаси). Натижада, мифологик образларнинг ҳозирги ўзбек шеъриятидаги ифодасига оид назарий хулосалар чиқарилган.

Усмон Азим ҳамда Абдували Қутбиддин шеъриятида тасаввуфга оид хулосалардан 5.1.17 рақамли “Шарқ мумтоз адабиётида инсон концепцияси” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 02 октябрдаги 89-03-3670-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши бугунги шеъриятда тасаввуфий қарашларнинг моҳиятини ёритишга хизмат қилган.

Усмон Азим, Иқбол Мирзо ва Абдували Қутбиддин шеъриятида фразеологизмлар ва метафоралар шоир манерасини ташкил этувчи компонентга айланганлиги тўғрисидаги хулосаларидан ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” номли фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 02 октябрдаги 89-03-3670-сон маълумотномаси). Натижада, шоир манерасини юзага чиқарувчи метафора, фразеологизмларнинг аҳамияти аниқлаштирилган.

Ўзбек шеъриятининг ёрқин намояндаси Усмон Азимнинг поэтик услубидаги ўзига хос жиҳатларидан бири интеллектуал хусусият эканлиги, у доим воқеликни поэтик идрок этишдаги етакчи хусусият бўлиб туриши;

Иқбол Мирзониёв услубида халқоналик акс этиши; Фахриёр услубида эса тасаввур ва тафаккур фалсафасининг намоён бўлиши; Абдували Қутбиддин услубида диний-фалсафий тасаввуф асосларининг яхлитлиги каби хусусиятлар юзасидан Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими қошидаги “Садоқат” адабий-ижодий тўғарагида маърузалар ўқилган. (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2019 йил 30 январдаги 01-03-11/95-сон маълумотномаси). Илмий натижалар ёш ижодкорларнинг услуб поэтикасини теранроқ англашларига кўмаклашган.

Усмон Азим ижодидаги бахшиёна ва интеллектуаллик, Иқбол Мирзодаги халқоналик, Фахриёрдаги модерн ва постмодерн хусусият ҳамда Абдували Қутбиддиндаги диний-фалсафий тасаввуф оҳанглар уйғунлиги каби индивидуал хусусиятларни намоён қилган жиҳатлардан Тожикистон республикаси академик Б.Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университети Ўзбек филологияси факультетида 2012-2017 ўқув йилларига мўлжалланган “Ўзбек ва тожик адабий алоқаларини ўрганиш: анъана, маҳорат ва янгилик масалалари” мавзусидаги илмий истиқбол режасида фойдаланилган (Хўжанд давлат университетининг 2019 йил 19 августдаги №01/4382-сонли маълумотномаси). Натижада, факультетнинг “Ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш методикаси” кафедрасидаги “XX аср адабиёти” ихтисослиги фанини ўқитишда тадқиқотдаги таҳлилга тортилган Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр ва Абдували Қутбиддин шеърини, уларнинг ўзига хос услуби, услуб поэтикаси таҳлил қилинган. Илмий натижалар магистрант талабалар ва илмий тадқиқотчилар учун ўзбек шоирларининг тожик шоирлари билан алоқа-муносабатлари, бадиияти, ўхшаш ва тафовутли жиҳатлари ҳақида ўқув қўлланма ва монографияларини яратишда манба сифатида хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг ҳажми 295 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг

ишончилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Услуб поэтикасининг назарий асослари” деб номланган. Унда услуб ўзига хос феномен ҳисобланиб, у даврлар оша муҳим муаммолардан бири сифатида нафақат адабий танқидчиларни балки санъатшуносларни, тарихчиларни ҳамда файласуфларни жалб этиб келаётганлиги¹ хусусида сўз юритилган². Ғарб ва Шарқда услуб муаммоси хусусида фикр мулоҳазалар билдирилган.

Услуб сўзининг асл ватани қадимги Греция бўлиб кейинчалик қадимги Рим бу атамани (**stylus**) термин сифатида китобларга муҳрлайди³. Услуб муаммосига биринчилардан эътибор қаратган шахс Аристотелдир. У ўзининг “Риторика” асарида бу масалага алоҳида тўхталади⁴. Бироқ Аристотель услубни нотиклик санъати сифатида тушунади. Кейинчалик Гораций, Цецирон, Квинтилианлар ҳам бу масалага махсус тўхталишади. Уларнинг саъйи-ҳаракатлари натижасида услуб нотиклик санъати сифатида бўй кўрсатади⁵.

Қадимги давр ижодкорларининг услубга доир қарашлари ўрта асрларга келиб янги қирраларда очила борди. Бироқ услуб нотиклик санъати сифатида ўз мавқеини бир неча асрлар сақлаб қолди. Европада, айнан Франция риторикасида XVIII асрда “индивидуал услуб” сўзи янграй бошлади. Машҳур сўзшунос П.Гиро ушбу атамани дунёни экзистенциалистик ва эссенциалистик кўриш орқали реалъ ҳаётга тадбиқ этди. У услубни мана энди санъатнинг бир жиҳати ёки даврнинг бир кўриниши сифатида эмас, балки инсон дунёқарашининг бир озуқаси сифатида ишлата бошлади. («une genie individuelle»). Бюффон ҳам ўзининг машҳур маърузаларида «услуб–бу инсоннинг ўзидир» дея таъкидлай бошлайди. Француз ёзувчиси Мариво биринчилардан бўлиб услубнинг норматив концепциясини яратишга муваффақ бўлади. Ва у “яхши” ва “ёмон” услуб дея таъкидлай бошлайди. Айнан Мариво ёзувчи услубини ёзувчи дунёқараш, руҳияти билан боғлайди («esprit»).

¹Власов, В. Г. Стили в искусстве [Текст]: словарь. – Т. 1. / В. Г. Власов. – СПб.: Кольна, 1995 – 456 с. Коваленко, Т. В. А. Л. Крёбер и исследование проблем эволюционной динамики мировой культуры [Текст] // Художник и время: сб. науч. ст. по матер. всерос. науч. конф. – Краснодар: Краснодарский гос. ун-т культуры и искусств, 2008. – С. 43-48.

²Вельфлин, Г Основные понятия истории искусств. Проблема эволюции стиля в новом искусстве [Текст] / Г. Вельфлин; пер с немец.; вступ. ст. Р.Пельше. – М.; Л.: Академия, 1930. – 290 с. 4.

³ Античные теории языка и стиля: антология текстов. / общ.ред. О.М.Фрейденоберг. СПб.: Алетейя, 1996. – 366 с.; Литературный энциклопедический словарь. / под.общ.ред. В.М.Кожевникова, Л.А.Николаева. М.: Советская энциклопедия, 1987. -725 с.; Литературная энциклопедия терминов и понятий. / под.ред. А.Н.Николюкина; Институт научной информации по общественным наукам РАН. М.: «Интелвак», 2001. – 1600 стб. (1599 с.); Лоскутникова М. Исторические вопросы изучения стиля.// Zmogus ir zodis. 2007. - №2. –С. 12-20.

⁴ Арасту. Ахлоки кабир. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2018.

⁵ «Античные теории языка и стиля». Под общей редакцией О. М. Фрейденоберг, М.—Л., Огиз, 1963; «Очерки истории римской литературной критики», М., Изд-во АН СССР, 1963. М. Л. Гаспаров. «Послания к Пизоям о науке поэзии» Горация (стр. 100—108). «История эстетики. Памятники мировой эстетической мысли», т. I, М., Изд-во Академии художеств СССР, 1963, раздел «Античность». «История эстетики», т. I, раздел «Средние века».

Ўзбек адабиётшунослигида XX асрнинг бошларидаёқ тил ва услуб масалаларига алоҳида аҳамият қаратган ва унга поэтик ҳодиса сифатида ўргана бошлаган адиблар А.Саъдий ҳамда Фитратлар ҳисобланишади. А.Саъдий услубни тил жихатидан ўрганар экан, услубга хос бўлган қисқартма, эскирган сўзлар ва варваризмлар энг муҳим белги сифатида эътироф этади. Уларнинг услуб мукаммалигидаги аҳамиятини кўрсатади. Саъдийга кўра: “Услуб шоир миясининг кўланкасидир”¹. Шунга асосан олим услуб оригиналлигини истеъдодда, янги гап айтишда, халқчилликда кўради-ю асарнинг яшовчанлиги ҳам услубга боғлиқ, деб ҳисоблайди. Шунингдек, услуб ижтимоий шароит, ижтимоий табақа ва ижодкор шахси билан ўзгариши мумкин².

Фитратнинг услуб борасидаги қарашлари А.Саъдий қарашларига яқин туради (Қаранг³). Айниқса, Фитратнинг сифатлаш, ўхшатиш, истиора, киноя, мажоз, жонлантириш, сажъ, муболаға, каби унсурларнинг ички унсурлар дея қарашлари бугун ҳам ўз мавқеини сақлаб қолган. “Демак, Фитрат ва А.Саъдий асарларида услуб масалалари кенг планда ўрганилган. Унга, асосан, поэтик ҳодиса сифатида қаралган. Услубнинг миллий тил, миллий адабиёт, ижодкор дунёқараш ва ижтимоий муҳит билан боғлиқлиги, бадиий шакл билан алоқадорлиги эътибор марказида турган”⁴.

Ўзбек адабиётшунослигида услубшуносликка эътибор XX асрдан бошланган бўлса-да, мумтоз адабиётшуносликда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Алишер Навоий ҳам услуб хусусида тўхталиб, ўзига хос услубда уни таъкидлашга муяссар бўлади. Бу каби қарашларни адибнинг “Мажолисун нафоис” асарида кузатишимиз мумкин⁵. Демак, шарқ адабиётида биринчи бўлиб Алишер Навоий форсий ва туркий адабиётнинг услуб жихатдан дастлабки тадқиқотчиси дир. Бироқ Алишер Навоий асарларида услуб сўзи кўпинча жанр маъносида (ғазал услуби, қасида услуби) ишлатилади. Ё.Исоқов услуб хусусида: “...мумтоз шеърятимиз таракқиётининг асосий тенденциялари ва босқичларини тўғри белгилаш, ҳар бир адабий жараённинг ўзига хос жихатларини, шу жараён намояндаларининг наворотлигини объектив баҳолашга имкон беради”⁶ дейди. Ё.Исоқов ўзбек мумтоз адабиётида услубни учга ажратиб тасниф этади. Булар: 1. Туркона услуб; 2. Мумтоз (классик) услуб; 3. Олий ёки навоиёна услуб. Шу билан бир қаторда Ё.Исоқов услуб ҳақида фикр юритар экан, у “Навоий лирикасининг поэтикасига хос хусусиятлар мураккаб ва салмоқли бадиий услубнинг шаклланганлигидан далолат беради” деган тўғри хулосага келади.

Адабиётшунос Иззат Султон ҳам Навоий ижодига тўхталар экан, унинг “Фарҳод ва Ширин” асари мисолида услубини олий услуб дея тадқиқ этади. Иззат Султоннинг эътироф этишича: “бу услуб учун фикрни мумкин қадар

¹ Саъдий А. Адабий ҳам назарий адабиёт дарслари. –Тошкент: Ўрта Осиё Дав.нашр., 1923, 1-2бет.

² Жўрақулов У. Худудсиз жилва. –Тошкент: Фан, 2006, 98-бет.

³ Фитрат. Адабиёт коидалари. –Тошкент: ЎзДавнашр, 1926, 23-бет.

⁴ Жўрақулов У. Худудсиз жилва. –Тошкент: Фан, 2006, 101-бет.

⁵ www.ziyoukov.uz. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 151- бет

⁶ Исоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Тошкент: Ўзбекистон, 2014, 304- бет.

кўпроқ ўхшатишлар, истиора ва киноялар, образли параллелизмлар орқали ифода этишга интилиш характерлидир. Бунинг натижасида шу услубда ёзилган асарнинг тили анча мураккаблашади, уни тушиниш учун ўқувчидан маълум даражада тайёргарлик талаб этилади. ...Алишер Навоий асарларининг тили “юқори услуб” деб аталмиш ана шундай услубнинг намунаси дир”¹. Иззат Султон бошқа адабиётшуносларга қараганда бу даврда яратилган асарларни икки тоифага ажратиб ўрганишни илгари суради. Бири юқорида таъкид этилганидек, олий (юқори) услуб бўлса, иккинчиси содда услуб ҳисобланади. Олий услубга Алишер Навоий асарларидан ташқари Фурқат асарларини киритади. Содда услубга эса Лутфий ва Бобур қаламига мансуб асарлар жой олади.

Мумтоз адабиётда услуб масаласига академик Б.Валихўжаев ҳам аҳамият қаратади. Олим айнан “туркча”, “туркий” сўзларни маълум тил маъносидан ташқари “Алишер Навоий “туркий” сўзини фақат бир тилга мансубият маъносидагина эмас, балки адабиётшунослик истилоҳоти сифатида ҳам қўллаган”² деган тўхтамга келади.

Адабиётшунос Д.Салоҳий эса ўзининг “Алишер Навоий шеърлятида туркона услуб аънаалари” номли услубий қўлланмасида Алишер Навоийнинг поэтик услуби назарий асосларидан бири бўлган туркона услуб хусусиятларининг шоир лирикасидаги ижодий ривож, туркий ва туркийгўйлик шамойилининг ўзига хос кўринишлари ва ижодий янгиланиши ҳодисалари хусусида сўз юритади³. Бундан ташқари А.Ҳайитметов⁴, Ҳ.Болтабоевларнинг⁵ илмий изланишларида услуб поэтикасига доир қимматли фикрлар билдирилган.

Форсий шеърлятдаги асосий услублар (хуросоний-туркистоний, ироқий ва ҳиндий) Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари томонидан тадқиқ этилган. Лекин туркий шеърлят, аниқроғи мумтоз ўзбек шеърлятининг услубий хусусиятлари қадимда ҳам, шунингдек, янги даврда ҳам тўлиқ тадқиқот объекти бўлган эмас ва монографик ҳолатда ўрганилмаган.

Айнан, XX асрда ижодкорнинг индивидуал услуби хусусида дискуссиялар бошланди. XX асрга келиб адабиётшунослар услуб назариясини ишлаб чиқишга муваффақ бўлишди. Бу даврда типологик таҳлиллар шуни кўрсатдики, адабий услуб тушунчаси диққатни жамлаш, ўзлик тушунчасини юқори босқичга кўтариш натижасида индивидуал хусусият касб этишнинг турли туман кўринишдаги маҳоратини юзага келтиради. Тизимли тадқиқотлар антик давр риторикасидан илгарилаб кетиб, услуб назарияси хусусида сўзлай бошлашди. Рус адабиётшуносларининг услуб хусусидаги энг машҳур тадқиқотлари бу - А.Н.Соколовнинг “Услуб назарияси” (1968),

¹ И.Султон. Адабиёт назарияси. -Тошкент: Ўқитувчи, 2005, 255-бет.

² Валихўжаев Б. Алишер Навоий туркий ва туркийгўйлик ҳақида.// Илмий тўмлам. Ад.жанр ва бад. Маҳорат масалалари. -Самарқанд, СамДУ нашри 1988, 56-бет.

³ Салоҳий Д. Алишер Навоий шеърлятида туркона услуб аънаалари. -Самарқанд: СамДУ нашри, 2003, 5-бет.

⁴ Ҳайитметов А. Ўзбек адабиётда халқчиллик тенденцияси.// ЎТА, 1993, №2; №3 5-бет.

⁵ Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. -Тошкент: Миллий энциклопедия нашриёти, 2008, -426 б.; Болтабоев Ҳ. Наср ва Услуб. Услуб муаммосига назарий нигоҳ. -Тошкент: Фан, 1992, - 410 б.

А.Ф.Лосевнинг “Бадиий услуб муаммолари” (1994)дир. Умуман, бу даврда услубни ўрганиш натижасида услуб терминини қайси соҳада қўллаш тўғрироқ бўлади ва ўзини оқлайди сингари саволга жавоб беришга интилдилар. Кўп тадқиқотчилар услубни шакл билан боғлаб, тасвирлаш ва изоҳлаш каби тушунчаларни ўзида акс эттиради деган мулоҳазага келишди. Гёте услуб терминини содда, тақлидчи, манера тушунчаларни ифода этувчи атама дея таъкидлади. Гегель эса манеранинг турлари хусусида сўз юритиб, оригинал ёндашиш орқали услуб жараёни изоҳлаши, хаёлдаги нарсаларни жонлантириши ва бу санъат даражасида ифода этиши мумкин деган тўхтамга келди.

Умуман, услуб бу – индивидуал хусусият, сўз, таркиб топган жумла, шеъриятда ишлатиладиган тил, бадиий ва тарихий асарлардаги матн, тилнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи, кўрсатувчи, ифода этувчи восита, нотиклик санъатидир. Ҳар бир давр ўша даврни акс этувчи воқеалари, ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турганидек, ҳар бир даврнинг тараққиётини (шу билан бир қаторда иллат ва камчиликларини) кўрсатувчи, замонни тасвирловчи ижодкорлари мавжуд. Бу ижодкорлар ўз даврини акс эттирганида ўша давр илллати ва камчиликлари ҳамда ютуқларини ўзига хос йўлда тасвирлаб беришадилар. Бир хил воқеаларни ёки бир хил жараёни тасвирлашса-да, бироқ бу тасвирларда ижодкор “мен”и яъни услуби ярқираб туради.

Иккинчи боб **“Ижодкорнинг руҳий-психологик эволюцияси”** дея номланган. Ушбу бобда биографик хусусиятлар акс этган асарлар таҳлил этилган бўлиб, унда Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр ҳамда Абдували Қутбиддин шеъриятидаги биографик жиҳатларга эътибор қаратилган. Боб икки фаслга ажралган. Биринчи фасл *“Ижтимоий-сиёсий воқелик ва ижодкор шахсияти”* дея номланиб, унда ижодкор шахсияти, унга таъсир этувчи омиллар, ижодининг тадрижий эволюцияси каби жиҳатлар тадқиқ этилган. Адабиёт тарихидан маълумки, ҳар қандай асарнинг асосида ижодкор дунёқараш, диди, характер йўналиши, уни шакллантирган биографик омиллар, руҳий-психологик ҳолати, хуллас, шахсиятини шакллантирган омиллар туради. Унда кундалик турмуши, шахсий ҳаётида учраб турадиган воқелик ва унинг инъикоси акс этиши аён ҳақиқат. Маълумки, ижодкор услубининг шаклланиши ички ва ташқи факторларга алоқадор. Бу жараёнда унинг биографияси ҳам катта аҳамиятга эга. Асосан, у яшаётган ижтимоий воқелик ва унга бўлган муносабат ижодкор услубини кўрсатишга хизмат қилади. Бу гўё икки катта параллел чизиққа ўхшайди. Шу нуқтаи назардан Усмон Азим ҳаёти ва ижодига эътибор қаратилса, унда шоирнинг маълум вақт театрда фаолият юритганлиги кузатилади. Бу албатта, ижодида маълум штрихларни юзага келишига сабаб бўлган. Унинг “Отелло”, “Брут”, “Гладиатор”, “Суфлёр монологи”, “Театр”, “Баллада” каби шеърлари шулар жумласидандир. Айниқса, шоирнинг театр ҳаёти билан боғлиқ “Бу жой театрмас” деб бошланувчи шеъри муҳим саналади. Адиб театр ҳаётини ушбу шеърга жойлар экан, ўқувчи ногоҳ театр ҳаёти билан бир қаторда актёр маҳорати ҳамда актёр ҳаёти билан ҳам таниша боради. Бу албатта, шоир

нигоҳи, шоир олами ила тажассум топиши натижасида театр кўз ўнгимизда ишхонага айланади: *Бу ер театрмас. // Бу жой ишхона, // Аммо фожиага мос эрур таъби.// Соат ўн. Эшикдан кирар замона, // Уни қарши олар Ҳамлет асабий*¹.

Воқеликнинг лиро-эпизм уйғунлигида талқин этиш халқ оғзаки ижодининг асосини тайин этади. У.Азим ижодининг ибтидосида кўринган бахшиёна оҳанг кейинчалик унинг баллада, драматик дoston киносценарий, шеърий туркумларида янгича жилоларда, лиро-эпик, лиро-драматик, аралаш тасвир усуллари қўллашида намоён бўлди. Шеъриядаги фалсафий интеллектуаллиги ҳам унинг ана шу бахшиёна услубининг эзгу ҳосиласидир.

“XX асрга келиб, ички ва ташқи омиллар таъсирида ўзбек шеърияти мавзу кўлами нуқтаи назаридан ниҳоятда турфаланиб кетди. Бошқача айтганда, тинимсиз эврилиб бораётган давр, унинг муаммолари шоир орқали шеърият тематикасининг янгилашига олиб келди”². Давр муаммолари Фахриёр руҳиятига ҳам таъсир этди. Натижада, шоир шеърияти тематикаси янги мавзу, янги мазмун билан бойий бошлади: *Бойлик керак эмас бу қизга, // Like йиғади ижт.тармоқларда. // Like санайди, яна like излар // бир-бир букиб бармоқларини // Like-ларини жойлар сандиққа, // Саралаб олади битталаб, // dislike-лари мабодо чиқса, // ташлаб юборади – итдан ҳам*³ // шоирнинг ушбу шеърида лирик қаҳрамон, замондош ёшлар қиёфаси чизгиларини беради. Замондош лирик қаҳрамон қиёфасини ҳаётий кўрсатиш Фахриёр услубида модерн ва постмодерн асосларини мустаҳкамлади. Ҳаёт ўзгариб бориши баробарида кишилар психологиясида, юриш-туришида, кийинишида, дунёқарашида ўзгаришлар юзага келмоқда. Кумуш, Зебилар билан бизни 100-150 йил ажратиб турибди. Адабиёт бугунги кунда Кумуш ва Зебиларга ўхшашларни тасвирласа, албатта, ҳаётийликка зид бўларди. Фахриёр услуби ва дунёқарашини тушунишда унинг публицистик чиқишлари, таржималари муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Чунончи, Тимотийнинг “Постмодерн дунёда қиблани топиш” асари Фахриёр шеъриятига янги замонавий мавзу, муаммо, ғоялар бахш этди. Нозим Ҳикмат, Имонт Зиедонис, Пабло Неруда, Андрей Вознесенский ижодидан қилинган таржималар ҳам Фахриёр ижодини шакллантирган, услубига сайқал бағишлаган биографик асослар саналади.

“Поэтик идрок, ифода тарзи ва ноанъанавий шакл” деб номланган иккинчи фаслда ижодкорнинг ҳаёт хусусидаги мушоҳадалари, калорит ва шароит, вақт тарзи ва унда ижодкорнинг индивидуал хусусиятлари, макон ва замонга бўлган муносабати адиб услуби орқали тадқиқ этилган.

Поэтик идрок жамият, табиат ва инсон ўртасидаги кўприқдир. Ижодкор маълум бир асар яратар экан, унинг нигоҳи оддий инсон нигоҳидан четда қолган ва у кузатмаган, англамаган ҳолатларни оча боради. Айниқса, бу хусусият рангларда ўзгача зухур топади. Усмон Азим, Иқбол Мирзо,

¹ Усмон Азим. Танланган асарлар. –Тошкент: Фафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 133-бет.

² Хамдамов У.А. XX аср ўзбек шеърияти бадий тафаккури тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Филол.фанлари доктори (DSc) диссерт.авторреф. –Тошкент, 2017, 12-бет.

³ Фахриёр. Излам. –Тошкент: Akademnashr NMM, 2017, 232-бет.

Абдували Қутбиддин ҳамда Фахриёр ижодида рангларга бўлган муносабатда ҳам ижодкор услуби кузатилади. Фахриёр услубида “Тошга гул тутинг, нимпушти гуллар”, “Оқлик фариштага ярашар, деворларга ярашар оқлик”, “сариқлик – тош ранги, ялмоғиз тошинг”, “Гулларим қонайди. Алвон гулларни” сингари тасвирларни кўрамиз. Асосан, рангтасвир ижодкорнинг ҳаётга бўлган муносабатини очиб берган. Усмон Азим яратган мисраларга эътибор қаратилса, унда “Қор узра қизил гул кўрганим каби”, “Соғинчнинг гуллари! Қоп-қора гуллар!”, “Осмон кўм-кўк, Уфқ очиқ – бошни олиб кетсак бўлар”, “Ҳазоннинг кўклигига ишонаман... Қоранинг оқлигига ишонаман”, “Баъзида шаффофман, тиниқ, енгил, кенг”, “Бир парча қора булут// Кўкни кетди оралаб”, “Ойга эмас, қаро ерга – лойга кетдинг – Қаро тупроқ қаърида ҳам юлдуз Рўзи!” каби рангларга дуч келамиз. Шоир кўпроқ қора ранг орқали ҳаётнинг бешафқат томонларини фалсафий руҳда идрок этади ва талқин қилади. Иқбол Мирзо пейзаж тасвирини янада кучайтириш учун рангтасвирдан фойдаланади. Иқбол Мирзо ижодида куйидаги “Яшил қуёш, мовий тош, сафсар кўз ёш оралаб”, “Кўзнинг оқу қорасин оқу қора тош қилинг”, “Онам сочидаги толим оқ азиз”, “Оқ юлдуз партираб сўйламоқда роз”, “Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун”, “Дуога қўл очган, тилаги оқ эл”, “Белбогини тушайди: нони қоп-қора” тасвирлари учрайди. Абдували Қутбиддин ижодида ранглар гаммаси оддий ҳолда берилмайди. Балки у тасвирийлик қиёфа касб этади. Абдували Қутбиддин “Заррин тўлқинлар”, “Маъво салтанати далаларидан.// Шафақлар хонатлас янглиз ёйилур”, “Тилла фонус”, “Кунлар кўк бағридан узилганида”, “Заррин сарполарда, давлати фузун”, “Шаффоф кўзаларга бода тўлади”, “Зангори жунунни бўғар бўйнидан”, “Заррин шокилаларини кесиб// қуёш тўлар зулмат қарзини”, “Қизғиш тўлқин кўк дарёсида,// Кўпирмоқда”, “Етти рангли кийимларини,// Яширади дарё париси”, “марваридлар яшил, ўтли пуштиранг.// Бугли кўприк узра тек қотар кеча,// Кимхоб чакмонининг куиб енглари...”, “Унинг орқасида// Оқлик уюми,// Оппоқ қаламини// Йўнади сулув...”, “Ранглар тўлиб қолган яшил лаганга” сингари ибора ва сатрларида рангларни онг ости орқали англатишга ҳаракат қилади. Демак, шоир оддий йўлдан бормайди. Унингчун ранг услубини кўрсатувчи воситалардан бирига айланади ва ўқувчини фалсафий фикрлашга ундайди.

Усмон Азим ижодига назар ташланса, у вақт тушунчасини жонлантириш йўлидан боради. Шеърларининг фалсафий теранлиги, ҳисларнинг бир маромга келтирилиши ва у аланга олиш шиддатига эга бўлса-да, бу шиддатни ўқувчи қалбига жойлаши билан шеърхонни мафтун этади: *Оёгини артмай ўтаётир вақт // Кўксимдан. Чидамоқ – энг улугвор иш. // Хатни ёзиб бўлдим. Ҳамма ишим тахт.// Қолгани, бор-йўғи – жонни топириш*¹. Шоирнинг фалсафий хулосасида вақт қадри ифода этилган бўлса ҳам, инсоннинг маълум бир руҳий ҳолати акс этади. Муаллиф “мен”и орқали ифода этилган ушбу шеърда вақт жонланибгина қолмай, балки кўксидан ҳам жой олган. Вақтнинг ўзини намоён этган ҳар бир сониясига чидай билиш ва ўтиб бораётган

¹ Усмон Азим. Фонус. –Тошкент: Шарқ, 2010, 52-бет

сонияларни ҳис қилиш, дарҳақиқат энг улуғвор иш. Шеърдаги хат деталдан шуни тахмин қилиш мумкинки, шоир яратган лирик қаҳрамон кексайган, ёшини яшаб, ҳар бир нарсанинг кадрига етадиган инсон. Шу сабаб у қолган иш бу жонни топшириш дея таъкидлайди. Фахриёр шеъриятида вақт бирмунча ўзгача. У аниқ бир маконда интерьер орқали тасвирланади. Шоирнинг “Кўргазмахонада” шеъри фикримизга мисол бўла олади. *Биз деворга, ром остига// ўтган кунларни осиб қўямиз// (ром очиб чиқади бизни)// Сўнг осиглик ўтган кунларни// томоша қилишни яхши кўрамиз. // Томошага кетган вақт эса// кўчага ҳайдалар.// Боиси:// ҳеч қачон томошабиндан/ чиқмас қаҳрамон*¹. Шеърда тасвир этилган деворда осиглик интерьер – бу сурат. Сурат бизга ўтмишдаги ширин хотирадан дарак беради. Бироқ ўтмишда ҳис этилган жараён сингари қалбни оловлантиришга ва ҳаяжонга солишга қодир эмас. Чунки хотирага айланган вақт энди фақат ширин туйғуга айлана олиши мумкин. Фахриёр шеърхонга нафақат сурат тасвирини беради, балки вақтни жонлантиради. У инсон қиёфасига кириб, томошага кетган жараён бўлгани учун кўчага ҳайдалади. Фақат бу эмас, нега кўчага ҳайдалиши ҳам шоир томонидан изоҳланади. Чунки томошабинга айланган инсонлар ўз кадр қимматини йўқотганларидек, беҳуда кетган вақт ҳам ҳеч қандай янги туйғуни бера олмайди. Шу сабаб шоир томошабиндан қаҳрамон чиқмаслигини эътироф этади. Самарасиз вақт томошабин кабидир. Иқбол Мирзо шеъриятига назар ташланса, вақт тасвири ўтган замон сифатида берилади. Унда вақт бир лаҳза тушунчаси кабидир. Шоирнинг “Суврат” шеърида: *“Эслаганда кўринг... Кўргач эсламанг...”// Имзо. Сана. Расм. – қоғоз... Севгилим.// Ҳаётдан ранг кетди ва тинди оҳанг,// Биздан суврат қолди холос, севгилим.// Хушбахт кунларимдан хотира – ёдгор,// Ўзимдан қизганиб қарайман такрор,// Бахтнинг соясидан бўлак нима бор?//Биздан суврат қолди, севгилим.*²

Фахриёр шеърияти сингари Иқбол Мирзода ҳам сурат предмети учрайди. Фахриёрда сурат жонли қиёфа акс этиб интерьер вазифасини бажарган бўлса, Иқбол Мирзода образли деталь вазифасида келган. Шоир яратган суратда вақт “эслаганда кўринг” ўтган замонда ва “кўргач эсламанг” бугунги кун бўлиб жаранглайди. Образли деталь мушоҳада юритиш ва фикрлашдан кўра ҳис-ҳаяжонни ифода этади. Шеърнинг мазмун моҳиятини очишга хизмат қилган бу образли деталь муҳаббат билан йўғрилган вақт тушунчаси билан боғлиқликда зухур топади. Муҳаббатнинг бир қиррасини ўзида инкишоф этар экан, “Бахтнинг соясидан бўлак нима бор?” сингари кечинма-туйғунинг янги қиррасини, охори тўкилмаган янги жарангини беради. Абдували Қутбиддин шеъриятида вақт тушунчаси кундуз, тун, тонг каби жараёнларни ифода этади: *“Тун анграяр, анграяр// Бир галтак термилиши.”* Шоир тун манзарасини образли қиёфада акс эттиради. У аста-секинлик билан ўтаётганлиги сабаб лирик қаҳрамон наздида тўхтаб қолган жараён сифатида акс этади. Натижада, ҳар бир сония бир даврга айланади. Тун Асқад Мухторда манзарали қиёфа касб этади. У ҳатто тун манзарасидан маълум маънода ранглар жилосини

¹ Фахриёр. Аёлғу. –Тошкент: Шарқ, 2000, 34-бет.

² Иқбол Мирзо. Сизни куйлайман. - Тошкент: Шарқ, 2007, 354 -бет.

хамда мусикасини топа олади. Абдували Қутбиддин эса тунни ранглар ёки мусика каби хислатларини эмас, балки кайфиятини беришга интилади. Демак, тун ҳам маълум кайфиятга эга экан. Бу кайфият “Ўтмас аррали тиш”, “Ўтмас қиличли тил”, “Қантар пичокли зулф” каби кўринишга эга бўлади.

“Лирик қаҳрамон ва поэтик образ” деб номланган учинчи бобда лирик қаҳрамон тушунчаси, унда ижодкорнинг индивидуал ёндашуви, поэтик образнинг турфа хил олами хусусида сўз юритилган. Боб икки фаслдан иборат. Биринчи фасл *“Лирикада микросюжет”* бўлиб, унда асосан лирика ҳам бошқа турлардан фарқли равишда сюжет унсурларининг тўлиқ ифодаланмаслиги ва бундай кўринишдаги сюжетни микросюжет деб номлаш ўзини оқлаши хусусида сўз юритилади. “Адабиёт назарияси”да фабулани сюжет (воқеабанд лирика) ҳамда психологик сюжет (соф лирика) истилоҳи ишлатилган бўлса¹, “Адабиётшуносликка кириш” дарслигида сюжет асосида яратилган шеърларни “тасвирий лирика”² деб аташади. Г.Н. Поспелов эса тавсифий-тасвирий лирика деб ўрганишни тавсия этади³. “Адабий тур ва жанрлар”да воқеабанд лирика термини ишлатилади⁴. Н.Шукуров ҳам воқеабанд шеър термини билан изоҳлайди ва бу ҳақидаги фикрлари эътиборга молик: “...унинг лирик асар эканлигини далиллаб турувчи белгиларни эътиборга олиш лозим. ...унда эпик элементнинг, воқеанинг вазифасини, меъёрини, ўрнини аниқлаш ва шу нуқтаи назардан масалага ёндашиш талаб қилинади. Мана шу икки масала ҳақида гапириш воқеабанд лириканинг жанр хусусиятларини аниқлашга ва чегаралашга ҳам имкон беради”⁵. Н.Шукуров воқеабандлик асосидаги шеърларда у ёки бу воқеа тугалланган сюжет шаклида бўлиши мутлақо шарт эмас деб ҳисоблайди. “Шеърда ҳаётдаги тугал воқеанинг ёки бошланиши, ёки авж нуқтаси, ёки хотимаси, ёки яхлит системаси олиб тасвирланади. Лекин у эпик ва драматик асарлардагидек воқеликни акс эттиришнинг етакчи воситасига айланмайди ва унда сюжет ўзининг барча бўлаклари билан тугал ҳолатда бўлиши талаб қилинмайди. Лирикада воқеа кечинмани, туйғуни бўрттириб ифодалашга хизмат қилувчи бир элемент бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам воқеабанд шеър эпик ёки драматик тур жанрига айланиб кетмайди, балки лириканинг мулки бўлиб қолади”⁶. Н.Шукуров мулоҳазалари воқеабанд шеър хусусида билдирилган фикрларнинг ёрқинроғидир. Иқбол Мирзонинг қуйидаги шеъри эса юқоридаги фикрларга мисол бўла олади: *“Зулфияга қарама, // Нақ энангни кўрасан! // Мени яхши кўради. // Сўра, кимдан сўрасанг!” // Калтак ерди Абдулла, // Калтак еб ҳам қайтмасди. // - Ол-э, ўша Зултини, // Керакмас! – деб*

¹ Теория литературы. Основные проблемы в историческом освещении // роды и жанры литературы. - М., 1964, с. 30

² Введение в литературоведение. - М., 1976, с. 217-218.

³ Поспелов Н.Г. Лирика среди литературных родов. - М., 1976, с. 62-177.

⁴ Адабий тур ва жанрлар. 2 қисм. -Тошкент: Фан, 1992, 30-бет.

⁵ Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. -Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1973, 134-бет.

⁶ Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. -Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1973, 134-бет.

*айтмасди*¹. Хотира кўринишига эга бўлиб, сюжетга асосланган ушбу шеър эпизодик характерга эга. Унда учта шахс иштирок этган. Булар: лирик қаҳрамон, Абдулла ва Зулфия. Аммо бу уч қаҳрамоннинг ҳаёти шеърда қисман акс этади. Воқеа тугал эмас. Шеърда илк муҳаббат хусусида сўз юритилиб, эпизодик кўринишга асосланганлиги сабабли, хотирага айланган дарс жараёни ҳам кузатилади. Шу билан бир қаторда лирик қаҳрамон бу жараёни бугун билан ҳам боғлайди. Унда тасвирланишича лирик қаҳрамон ва Абдулла армия хизматига кетган чоғида Зулфия бошқа билан оила қуради. Шеърнинг ўзига хос хусусияти яъни лирик қаҳрамоннинг характерини очувчи қирраси “*Китобимнинг ичидан// Учиб тушар суврати,// Севмаганман мен уни,// Абдул яхши кўради!// Йиртаман деб сувратин,// Йиртолмайман ҳар куни,// Севмаганман мен уни!..// Севмаганман мен уни!..*” сингари мисралар билан хотималанишида кузатилади. Шеърдаги воқеа фақат лирик туйғуни ифодалаш учун хизмат қилгандир. Шеърда ифода этилган конфликт ҳам (лирик қаҳрамон ва Абдулла ўртасидаги ишқий можаро) фақат туйғуни бўрттириш учун хизмат қилади. Шу сабабли ҳам шеърнинг хотима қисмида воқеага нисбатан туйғу устунлик қилади ва биз бу шеърни бемалол микросюжет асосида яратилган шеър дея айта оламиз.

“*Кечинма табиати ва композиция яхлитлиги*” деб номланган иккинчи фаслда шеърятининг композицион хусусиятлари ўрганилган. Композиция ижод жараёнида шаклни бадий ифодалашнинг муҳим воситаларидан биридир. Жамол Камол шеърят композицияси хусусида сўз юритиб, лирик композициянинг икки хусусиятига тўхталади. Бири моҳият сари йўналган бўлиб, иккинчиси замон эътибори билан бир-биридан йироқ бўлган фактлар жуда сиқик чегараланган вақт доирасида жойлашади (Қаранг²). Мисралар лаконизмга асосланганлиги сабаб унда фикрни ёки ҳиссиётни тугал, аниқ бера олиши ижодкорлардан маълум маҳоратни талаб қилади. Айниқса, лирик композиция марказида жойлашган ва маълум кучга эга бўлган поэтик ғояни бера олиш ҳам маҳорат талаб қилади. Ўз услубига эга бўлган шоирларгина мукамал лирик композицияни ярата оладилар. Шу нуқтаи назардан Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Абдували Қутбиддин ва Фахриёр ижодига тўхталса, уларда қуйидаги жиҳатлар ойдинлашади. Усмон Азим ижодида ритмик композиция алоҳида мавқега эга. Чунки, шоирнинг маҳорати, ўзига хос услуби шу талаб асосида юзага чиққан. Умуман, ритм – санъатнинг барча турларига хос ҳодиса. *Юлдузларга боққан бўлсам,// улар тирик, деб ўйлагандирман.// Осмонни созинган бўлсам,// парвозлар бисёр, деб ўйлагандирман.// Агар яшаган бўлсам,// қанотларим бордир, деб ўйлагандирман.// Агар ўлган бўлсам,// учиб бахтидан// юрагим ёрилиб// ўлгандирман-да...*³ Саккиз мисралик шеърдан уч мисраси ярим мисралардан иборат. Уларни бирлаштира бир мисра ҳосил бўлади. Ҳар бир байтнинг тоқ мисралари бош ҳарф ва жуфти кичик ҳарфлар билан бошланган.

¹ Иқбол Мирзо. Сизни қуйлайман. -Тошкент: Шарқ, 2007, 170- бет.

² Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. -Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1973, 74-бет.

³ Усмон Азим. Жимлик. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012, 10-бет.

Мисралардаги бўғинлар сони ҳам бир хиллик касб этмайди. Шеърдаги ритмик оҳанг сўнгги мисрада шеър динамикасини ўзгартиради.

Композиция хусусида сўз кетганда асар сарлавҳаси композицион унсур сифатида муҳим аҳамият касб этади. Усмон Азим сарлавҳа танлашда мазмунга асосланади. “Хавотир”, “Битик тошлар орзуси”, “Тунги концерт”, “Қавс”, “Хут”, “Болаликнинг бир кечаси”, “Ҳориш”, “Қишки кечалар”, “Онамга тасалли” каби шеърларида ҳам кузатиш мумкин. Бироқ ХХІ асрга келиб яратган шеърларида сарлавҳалардан кам фойдаланади. Шоир услубида сарлавҳадан бирмунча узоқлашиши кузатилади. Шу давргача яратилган шеърларида сарлавҳаларга алоҳида урғу берган бўлса, кейинги йиллар шеъриятида мазмун ва ғояга эътиборни кучайтиради. Сарлавҳа эса иккинчи планга кўчади. Иқбол Мирзо ҳамда Абдували Қутбидинлар ҳам айнан сарлавҳалар асосида ғояни беришга интилади. Фахриёр услубида эса сарлавҳалардан чекланганлиги, кўпинча сарлавҳасиз шеър яратганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Фахриёр шеъриятининг композицион қурилиши ва унда шоир услуби палиндромларни қўллашда ҳам кузатилади. Фикримизга мисол тариқасида Фахриёрнинг қуйидаги “Ёзиқ” достонига разм соламиз: *Девор – кар, // эшитмас. // Қудуқ – ғор, // бешикмас¹. //* ушбу мисраларни “Эшитмас кар – девор, Бешикмас ғор - қудуқ” сингари ўқиш ҳам мумкин. Ёки ушбу достондан жой олган “Худолар ғафлатда қарийди” мисрасини ҳам палиндром сифатида “Қарийди ғафлатда худолар” мисраси сифатида ҳам ўқиш мумкин. Демак, Фахриёр нафақат сўз балки мисрада ҳам палиндромдан фойдаланади. Бу эса мазмунга ҳеч қандай путур етказмайди.

Бадий асар композициясида деталлар муҳим аҳамиятга эга. Деталлар асар мазмунини очишда, асарни конкретлаштиришда ҳамда асарга табиийлик, жонлилик, ҳаққонийлик бахш этишда ёрдам беради. Ҳатто бир деталь орқали шеърнинг бутун мазмуни ёритилади. Ўзбек шеъриятида айнан бадий деталь тўлиқ ўрганилмаган жараён. Бироқ бу шеъриятда деталь учрамайди деган хулосани бермайди. Бу турда ҳам оз бўлса-да, бадий деталлар муҳим аҳамиятга эга. Усмон Азимнинг “Мен чарчаб” деб бошланувчи шеърида асосий деталь соат бўлиб у вақт фалсафасини англатишга хизмат қилган: *Мен чарчаб сенга суяндим, ҳақиқат. // Соат бонг урмоқда, // Гаплашайлик, кел. // Қўрқма, // Ўтиб кетди бир кунлик даҳшат. // Бугун иккинчи апрель, // Ҳақиқат, // Иккинчи апрель...²* // Усмон Азим лирик қаҳрамони ўзлигидаги жихат бу - ҳақиқат. Хусусан, одам ўзини англаши орқали ҳаётни яна теран англай бошлайди. Шу сабаб шоир иккинчи апрелга ўтган дақиқадан бошлаб ҳақиқат яна бўй кўрсата бошлаганлигини таъкидлайди. Ҳазил-мутойибалар, беозор кулгулар биринчи апрелда қолганлиги лирик қаҳрамон учун рамз. Аслида поэтик ғоя катта ҳаётий ҳақиқатлар ва ёлғонларнинг идрок этишга ҳамда хулоса чиқаришга йўналтирилган. Бадий детални шеъриятда қўллаш шоирнинг фантазияси билан ҳам боғлиқ. Шу маънода Фахриёр фантазиясида шаклланган ва кейинчалик маълум бир предмет орқали ифода этилган

¹ Фахриёр Аёлғу. –Тошкент: Шарқ, 2000, 46-бет.

² Усмон Азим. Сайланма. –Тошкент: Шарқ, 2001, 121-бет.

деталлар муҳим. Фахриёрнинг “Хиёнат қилолмас ҳеч ким пулчалик” шеърида ҳам бадиий деталнинг ажойиб намунаси кузатилади: *Хиёнат қилолмас ҳеч ким пулчалик.// Дўстлик бўлиб туюлар, ҳатто,// ганимлар душманлиги// душманлиги олдида пулнинг// Қирқ газли шамшир билан// кесиб бўлмас пулнинг бошини.// Дарвоқе, пулнинг боши йўқ.// унга бош бермаган қизганчиқ эгам.// йўқса, сал инсофга кирармиди у, // ўйлаб кўрармиди...¹* // Фахриёр пул детални танлайди. Унинг наздида пул детали предмет, восита. Бу восита инсонни душмандан ҳам қаттиқроқ жароҳатлайди. Ғаним унинг ёнида дўстга айланади. У ҳеч бир инсонга садоқат кўрсатмайди, восита бўлганлиги сабаб кўлдан-кўлга ўтаверади. Инсонларнинг тинчлигини, оромини олади, қолаверса, ҳаётини бузиб юборади. Фахриёр пул детали орқали ажойиб тасаввурни уйғотади. Халқ оғзаки ижодида ғаним боши ҳар доим қирқ газли шамшир билан кесилган ва ғалаба қозонилиб мурод мақсадларга етилган. Бундан унумли фойдаланган шоир оригинал ўхшатишни тақдим этади. Яъни қирқ газли шамшир билан кесиладиган бошнинг ўзи йўқ. Демак, шеърият композициясида деталь муҳим аҳамиятга эга. У шоирнинг поэтик ғоясини ноодатий восита орқали ўзига хос тарзда гавдалантирган. Унинг анъанавий шеъриятдан фарқланувчи ўзига хослиги ҳам шунда.

Тўртинчи боб “**Индивидуал услуб ва жанрлар ранг-баранглиги**” бўлиб, уч фаслни ташкил этган. Ушбу бобда ижодкорнинг индивидуал услубини ифода этувчи жанрлар ранг-баранглиги тадқиқ этилган. Усмон Азим ижодида кўшиқ, баллада, ғазал, мухаммас, эртақ шеърлар, ривоят шеърлар, достон, драма, бағишлов, насрий шеър, станслар; Фахриёр ижодида эса сонет, рондель (яъни кўшиқ), шеърий эртақ, шеърий ривоят, достон; Иқбол Мирзо ижодида эса бағишлов, марсия, шеърий эртақ, шеърий ҳикоя; Абдували Қутбиддин ижодида достон, бағишлов, ғазал каби жанрларга ва эркин шеър, универсал шеър шаклларига дуч келиш мумкин. Унда шоир услуби яққол кўзга ташланади. Усмон Азим илк ижодидан бошлаб баллада жанрига кўп бор эътибор қаратганлиги кузатилади. Фахриёрда эса сонет мунтазам ва муқимлик касб этган жанр. Иқбол Мирзо услубига хос бўлган жанр шеърий ҳикоялар (микросюжет асосида яратилган асарлар) деб таъкидлаш мумкин. Абдували Қутбиддин ижодида эса туйғунинг тадрижий такомил асосий ўринга чиққанлигини таъкидлаш мумкин. Биринчи фасл “*Интеллектуал фалсафий услуб қирралари*” деб номланиб, унда Усмон Азим шеърияти поэтикасига эътибор қаратилди. Шоир шеърияти кенг китобхонлар аудиториясига мўлжалланган бўлиб, унинг ифода ва изҳор тарзи бахшиёна оҳанглар ва фалсафий интеллектуаллик уйғунлашувидан келиб чиқади. Умуман, маълум воқеа ҳодисалардан теран фалсафий мазмунга эга бўлган умумлашма фикрларга, бугунги воқеликдан келажакка даҳлдор масалаларга ишора қилиш интеллектуал фалсафий шеъриятнинг мазмун-моҳиятини англайди.

“Интеллект - руҳни ўстирувчи озуқадир. Катта истеъдод руҳнинг, руҳ эса шеъриятнинг асл моҳиятини таъминлайди. Руҳ ўсган сайин олий ҳақиқатга – Оллоҳга яқинлашиб боради. Шунинг учун ҳам, катта истеъдод шеърларида

¹ Фахриёр. Аёлғу. – Тошкент: Шарқ, 2000, 24- бет.

борлиқ ва йўқликни, чексизликни, ўлим ва ҳаётни ҳис қилиш туйғуси юксакликларда кечади. Ижодий жараён даврида у бошқалар сезмаган оламни кашф этади. Фақат унинг олами ҳар қандай оламдан баланд. Дарҳақиқат, Оллоҳ ва оламнинг энг буюк, энг юксак, энг баланд, энг қудратли, энг..., энг... энг... эканлигини фақат шоирларгина англайди”¹. Шоир давр ва жамият ҳаёти, инсон ва замон тўғрисида мушоҳада юритади. Натижада, ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантиради. *Узукун ёмғир.// Совиди ҳаво.// Кетди бетақдир,// Мозийга танҳо// Қайноқбадан ёз.// Видо – юракда...// Қирар кузакка,// Умр – бепарвоз.// Яшилликни боғ// Жунжикиб ечди.// Ёзни севардим...// У мендан кечди.*² // Шоир табиатга шунчаки разм солмайди, ундан керакли фикр- мулоҳазалар чиқаради, эстетик қарашларининг зоҳир бўлишида табиат ҳодисалари инсоний хислат-фазилатлар касб этади, яъни жонлантирилади. Шу сабаб улар яшиллик боғини жунжикиб ечишади. Фаслларнинг алмашинуви жараёни эса бетакрор образлилик замирида ўз аксини топади. Жонлантириш натижаси ўлароқ ёз ўрнини кузга беради. Шоир айнан шу ўрин алмашинув жараёнини бетакрор буёқларда тасвирлайди. “Усмон Азимнинг талай воқеий шеърларида наботот, мавжудот, махлуқот, ҳодиса, аҳволот рухий кечинмаларга бевосита хизмат қилади. Бу йўсин ифодадаги ҳаётийликка асло футур етказмайди, аксинча, бу уйғунлашув таъсирчанликни юқори маромларга олиб чиқади”³.

Иккинчи фасл “*Анъанавий ва халқона услуб*” дея номланиб, унда Иқбол Мирзо шеърляти таҳлил этилган. Халқ оғзаки ижоди ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарини ўз ижодларида мужассам этган шоирлар талайгина. Бироқ бу анъаналарни услуб даражасига кўтариш ва унда индивидуал хусусиятларини кўз-кўз этиш барча шоирга насиб этавермайди. Айниқса, ўз асарларида фольклорга хос тасвир тамойиллари, халқона услуб, мотив, сюжет ва образларни янги қирраларда намоён этиб наворотона ёндаша олиш ҳам шоир маҳоратидан далолат беради. Худди шундай хусусиятни намойиш эта олган ижодкор Иқбол Мирзо саналади. У халқ оғзаки ижодини пухта ўрганиб, ўз асарларига янги қирраларда олиб кирган бўлса, мумтоз адабиётнинг энг яхши намуналаридан ҳам илҳомлана олди. Натижада, шоир ижодида анъанавий ва халқона хусусият устунлик қила бошлади, услубини белгиловчи муҳим воситага айланди.

Ижодининг илк даврларидаёқ Иқбол Мирзо халқ оғзаки ижодига катта аҳамият берди. Бунинг натижаси ўлароқ халқ оғзаки ижодидаги образлар унинг асарларига кўчди. Шу сабаб шоир шеърлари халқ поэтик ижодидаги шаклларга яқинлашади. Бу эса шоирнинг халқ поэтик ижодини тинимсиз ўрганиб, улардан озиқланганлигини ва ижодий фойдаланганлигидан далолат беради. У ўз ижодида гоҳ халқ кўшиқларидан, лапарлардан фойдаланса, гоҳ халқ мақолларию ибораларини маҳорат билан шеърга сингдириб юборади. Шу билан биргаликда шеърларни халққа тушунарли бўлган сўзлашув

¹ Сувонова Ж. Усмон Азим шеърлятида бадий тафаккур. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012, 4-бет.

² Усмон Азим. Юрак. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009, 26-бет.

³ Шермуродов Т., Исмоил И. Усмон Азим ижодиёти. – Тошкент: ТДПУ нашриёти, 2011, 176-бет.

услугида ёзади ва шу тил орқали халқ дардини куйлашга интилади. Бу эса шоир ижодини халқ қалбига яқинлаштирувчи омиллардан биридир. Унинг «Айёр қиз» шеъри шу жиҳатдан муҳим: *Хув, дейди-ю, ўйлар ёстиқ-кўрмасин, // Кўзда ёш йўқ - аяйди-да сурмасин, // Эшитсин-у, лекин биров кўрмасин... // Тугунчагин тугиб қўйган тайёр қиз, // Ёлгон йиғлаб, эрга борар айёр қиз*¹.

Бармоқ вазнида ёзилган шеърнинг дастлабки сатрларидаёқ халқона оҳанг уфуриб туради. Халқоналикни эса миллийликка хос бўлган “сурма”, “тугунчак”, “ёстиқ-кўрпаси” каби деталлар орқали реаллаштирилади. Айниқса, қизларга хос йиғи ҳам шеърдаги оҳангнинг динамикаси ўйноқилигига замин яратади. Ва бу каби йиғи бахт остонасида турган қизларнинг армон тўла кўз ёшлари эмас, балки шодлик йиғиси эканлигини англаш мушкул эмас. Шоирнинг бу образга бўлган меҳри ҳам шеърда жилваланиб туради. Шоир гўё камолга етган навнихолни эркалаётгандек, унга бахт тилаётгандек бўлади. И.Мирзо ҳар бир образнинг руҳий ҳолати, сезилари, ҳиссий олами, туйғулар тизими, ифоданинг таъсирчан чиқиши билан ҳисоблашиш зарурлигини аниқ ҳис этади. Шу сабаб шеърга ҳазил-мутойиба бахш этиб, халқ жонли тилидан яъни сўзлашув тилидан унумли фойдаланади.

Учинчи фасл “*Тасаввуфий дунёқараши ва модерн оҳанг уйғунлиги*” дея номланган. Унда Абдували Қутбиддин ҳамда Фахриёр шеърятти таҳлилга тортилиб, тасаввуфий оҳанг ва модерн уйғунлиги масаласига эътибор қаратилади. Абдували Қутбиддин шеъряттида тасаввуф тушунчалари алоҳида мавқега эга. Унинг шеъряттига назар ташлаймиз. *Сазойи қилдилар бизларни севгим, // Тўққизта фалакда топмадик макон. // Самовий чодирда жон сақлагандик, // Аммо қайчисила қирқиб қўйди тонг. // Армон мусиқақадир, // Ғамгин мусиқа*². // Шоир ушбу шеърда олам ибтидо ва интиҳоси хусусида сўз юритади. У инсоннинг яралиши ва кейинчалик гуноҳ сабаб коинотдан ерга тушишгача бўлган жараённи қамраб олишга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида унинг Одам Атога ҳам мурожаати кузатилади. Абдували Қутбиддиннинг ушбу шеърда ўзига хос услубий изланишлар намунасини кўрамиз. Шоир оригинал йўлдан бориб Одам Атонинг Аршдан ҳайдалишини “Самовий чодирда жон сақлагандик, // Аммо қайчисила қирқиб қўйди тонг. // Армон мусиқақадир, // Ғамгин мусиқа” каби сатрларда реаллаштиради.

Абдували Қутбиддин шеърятти куюқ образлилиги, метафора ва рамзларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. У универсал шеърый шаклларга кўп мурожаат қилади. Бир шеърда турлича вазнларни ҳам кўллайверади. Ҳам диний, ҳам фалсафий тасаввуф тушунча, ақидаларини яхлит ҳолда акс эттириш Абдували Қутбиддиннинг хос белгисидир.

Гарчи модернизм ўзигача бўлган тасвир усулларини рад этса-да, бироқ у барибир романтик само ва реалистик заминдан бутунлай узилиб кета олмайди. Шу маънода Фахриёрнинг модерн шеърятти аввало, халқ оғзаки ижоди (“Аёлғу”) қолаверса, тасаввуф таълимоти анъаналари, шу билан бирга

¹ И.Мирзо. Сизни куйлайман. –Тошкент: Шарқ, 2007, 18-б.

² Абдували Қутбиддин. Бор. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 25-бет.

тасвирий санъат (“Геометрик баҳор”) хусусиятлари бирлашиб, оламнинг янгича поэтик талқинини юзага келтиради. Мисрабошиларнинг, атоқли отларнинг кичик ҳарфларда берилиши, тиниш белгиларига ҳамиша ҳам амал қилавермаслик ноанъанавий янги бир шаклни кўз ўнгимизда гавдалантиради.

Фахриёрнинг куйидаги шеърида ҳам тасаввуф тушунчалари тажалли топган: *Мендан шамол бўлиб кетмоқ истайсан, // мен тўзон бўлиб // кетадурман сен билан бирга. // Майса бўлиб оғушимдан юлқинасан, // қўйиб юбормайман мен замин бўлиб. // Мендан кетмоқ истайсан // япроқлар бўлиб, // хазонрез қайтариб келар бир куни... // Юзларимга оёқ қўймоқ истайсан. // тупроқ юзи йўқ, // бор-йўғи – бағир.*¹ Шоир яратган лирик қаҳрамон ўзлигини таний бошлаган инсон. У шу сабаб Оллоҳни қалбидан топганлиги учун Оллоҳга бўлган ишқ шамол бўлиб кетадиган бўлса, тўзон бўлиб у билан бирга боради, замин бўлиб уни маҳкам тутуди, дарахт бўлиб хазонлардан озуқа олади, асосийси бу каби ҳолат ва кайфият кечинма тасаввуф тариқатидаги ақидани ёдга солади. Яъни: “Юзларимга оёқ қўймоқ истайсан, // Тупроқнинг юзи йўқ, бор-йўғи - бағр” дея эътироф этади. Мана шу мисралар Мавлоно Румийнинг ҳикматини ёдга солади: “Гарчи тупроқ зоҳиран тупроқ эрур, // Ич-ичинг боқсанг, фақат нур ичра нур”. “Тангри сувни пайдо қилди. Унда ерни яратди. Ақл-у идрокингни ожиз қолдирувчи нуқта шундаки, Парвардигори олам жамики махлуқоту набототни тупроқда – ерда бунёд қилиб, шакл-шамойил ато этди. Ҳатто одамни ҳам хор тупроқдан яратиб, азиз-у мукаррам қилди. Ерни пайдо қилгандан то ҳозирги нафасимизгача макон, ризқ, тараққиёт омили қилиб берди. Демак, ҳар зарра тупроқ ҳам эъзозу икромга лойиқ”². Тупроқ қанчалик оёқ остидан жой олмасин, топталмасин у тасаввуф тариқатида олий мақомга эгадир. Шу сабаб эъзозга, меҳрга сазовор. Шоир ҳам ана шу ҳақиқатни англаганлиги сабаб тупроқ юздан эмас бағрдан иборатлигини таъкидлайди. Фахриёр анъанавий тасаввуф мавзусини давом эттирар экан, ундан янгича услубни, янгича айтажак сўзини топа олади. “Ҳар бир истеъдод адабий усул, шаклларнинг чегарасини бузгиси, уни янгилагиси, ўзига хос услуб топгиси келади. Ўзини намоён қиладиган йўл, услуб ахтаришга бўлган интилишларини, истеъдодни юзага чиқарган адабий шакл ва усулларни адабиётшунослар оқим деб баҳолашади. Бошқачароқ ёзишга бўлган интилиш – бу ўз услубини топиш сари ташланган қадам. Бу ҳар бир ёзувчининг ўзини топишга бўлган ҳаракати”³. Фахриёр ҳам ўзини, ўзлигини топишни истади. Бу истак шоирни Румий томон етаклайди. Жалололдин Румийнинг илоҳиёт, тасаввуф, ҳаёт ва борлиқ ҳақидаги мушоҳадаларидан илҳомланган шоир бу мушоҳадани янги фикрлар, янги қарашлар билан тўйинтириб, янги қирраларда ифода этади. Хуллас, Фахриёр ҳамда Абдували Қутбиддин ижодида тасаввуф таълимотидан илҳом олиш ва уни ўз шеъриятига моҳирона сингдириб юбориш кузатилади.

¹ Фахриёр. Геометрик баҳор. –Тошкент: Маънавият, 2004, 21-бет.

² Мавлоно Жалололдин Румий. Най ноласи ҳикматлар. – Тошкент: Юрист-медия маркази нашриёти, 2011, 12-бет.

³ Истеъдод – Яратганнинг нигоҳи. Ёзувчи Н.Эшонқул билан суҳбат. // Жаннатмакон, 2012, март

ХУЛОСА

XX асрнинг охириги ўн йилликлари ва XXI аср аввали ўзбек шеърияти мумтоз анъаналарни давом эттириш баробарида жаҳон адабиётининг ҳаётбахш хусусиятларини ўзида акс эттирмоқда. Инсон ҳаётига, унинг мазмун-моҳиятига, воқеликнинг ички жараёларига тасаввуфна қараш, инсон омилини модерн ва постмодерн ақидалардан келиб чиқиб баҳолаш янги сифат босқичига кўтарилди. Бу каби ўзгаришлар ва янгиланишлар анъанаси ўзбек адабиётида ҳар бир ижодкорнинг индивидуал хусусиятларини, поэтик услубини ўрганишни талаб этиши табиий ҳол. Мазкур диссертацияда тадқиқ этилган масала ҳам ана шу жараённинг маҳсулидир.

Тадқиқот жараёнида ҳосил бўлган хулосаларни мухтасар қилиб қуйидаги тарзда ифода этиш мумкин:

1. Услуб ўзига хос феномен бўлиб, у – индивидуал хусусият, сўз, таркиб топган жумла, шеъриятнинг рангинлиги, матн, тилнинг ўзига хослигини акс эттирувчи восита ҳамда санъатдир.
2. Услуб борасида қадимги давр ижодкорлари қўйган тамал тоши ўрта асрларга келиб янги қирраларда очила борди. Европада, айнан француз риторикасида XVIII асрда “индивидуал услуб” сўзи янграй бошлади. XX асрга келиб эса услуб назарияси ишлаб чиқилиб, унинг илмий-назарий концепцияси ҳам яратилди. XX асрда “услуб” атамаси ҳам даврни ифода этувчи тушунча (услуб), ҳам йўналиш (оқим), ҳам индивидуал хусусиятни акс эттирувчи атама (манера) сифатида ишлатила бошланди. Бу каби тушунчалар кенг ва тор маъноларда ишлатилди. Хусусан: 1) давр услуби; 20-йиллар, 60-70 йиллар, 90-йиллар услуби; 2) бадиий оқим услуби; анъанавий, халқона, модерн ва бош.; 3) адиб услуби; Абдулла Орипов услуби, Эркин Воҳидов услуби, Усмон Азим услуби каби.
3. Ижодкорнинг руҳий-психологик эволюцияси тўғрисида сўз юритганда, унинг биографик хусусиятларини акс эттирувчи асарлар муҳим аҳамиятга эга. Биографик асарлар ижодкор дунёқарашини акс эттириш билан бирга унинг ҳаёт тарзини ҳам ифодалаш тайин. Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр, Абдували Қутбиддин каби шоирлар ижодининг таҳлили шундан гувоҳлик беради.
4. Усмон Азим поэтик услубида кўринган бахшиёналик кейинчалик шоирнинг воқеликни поэтик идрок этишдаги етакчи хусусияти бўлиб шаклланди. Шу билан бирга ҳаёт воқеа-ҳодисаларини чуқур интеллектуаллик, давомли ўйчанлик билан идрок этиш, шу жараёнда туғилган фикр-ҳиснинг фақат авж нуқтасини, синтезини ифодалаш Усмон Азимнинг воқеликни идрок ва ифода этишидаги бош белгиси сифатида кўзга ташланади.
5. Иқбол Мирзо ижодининг эволюцион ривожланиш тадрижини кузатганда, унинг шеъриятида халқона изҳор ва ифода тарзи устунлик қилишини кўриш мумкин. Мумтоз шеърият ва фольклор анъаналарини

уйғунлаштириш Иқбол Мирзо поэтик услубида халқоналикни кучайтирган омиллардан.

6. Фахриёр ижоди ва унинг услуби сўзга, инсонга, фикрга, гўзалликка бўлган тасаввурларни янгилайди, тасаввур тушунчасига эркинлик беради. Шу сабаб кўнгил ва тафаккур маҳсулидек таассурот қолдиради. Фахриёр ижтимоий воқеликни кузатиш асносида тасаввурдан фикрга, фикрдан кечинмага ва шуларнинг уйғунлашиб кетишидан оригиналликка эришади. Фахриёр услубидаги яна бир қирра рангтасвир санъати хусусиятларини шеърларига сингдираётганлигида намоён бўлади. “Аёлғу”, “Геометрик баҳор” каби тўпламлар бу жиҳатдан, айниқса, характерли.
7. Абдували Қутбиддин ижодида ҳам ўзига хос манералар кўзга ташланади. Айниқса, услубида фалсафий мушоҳада халқ оғзаки ижоди билан суғорилиши, тасаввуф анъаналари ва моҳияти шеърятининг мағзига сингдириб юборилиши ижодкорнинг “мен”идан дарак беради. Шунингдек, руҳий ҳолат суратини нарса, буюмларга кўчириш, аниқ деталлар воситасида тушунча-тасаввурлардан муайян манзаралар яратиш, туйғулар тадрижининг такомилени кўрсатиш кабилар индивидуал услубининг кўринишларидир.
8. Ижодкорларнинг поэтик идроки рангларни ифода этишида аниқ намоён бўлган. Усмон Азимда кўпроқ оқ ва қора ранглар; Фахриёр услубида оқ, сариқ, алвон ранглар; Иқбол Мирзода камалак ва ёрқин ранглар; Абдували Қутбиддин ижодида эса ранглар гаммаси тасвирий ва тавсифий қиёфа касб этиши кузатилади. Натижада муайян ранглар маълум ижодкор услубини ифода этувчи восита бўлиб юзага чиқади.
9. Шеърятда вақт тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. Шеърят оний ҳолатни ифодалаганлиги сабабли ҳам ҳис этилаётган вақт қаламга олинади. Вақт нафақат жараён сифатида балки бирор бир деталь, гоҳида эса муайян бир образ қиёфасига киради. У жонланиши ва ҳатто бирор бир портретга хос қиёфа касб этиши ҳам мумкин. Усмон Азим вақт тушунчасини жонлантиради. Образли қиёфада акс эттиради. Фахриёр услубида вақт тасвири гоҳида деталь бўлиб юзага чиқса, гоҳида инсон қиёфасига киради ва образ бўлиб шаклланади. Асосийси, Фахриёр вақтни табиатнинг тароватини ўзида акс эттирувчи, табиатнинг бир бўлаги сифатида тасвирлайди. Усмон Азим ва Фахриёрда кўпроқ вақт тасвири ўтган замон, хотира кўринишида бўлса, Иқбол Мирзода келажак орзу-умидлари ифодаси ўлароқ таассурот қолдиради. Абдували Қутбиддин шеърятинида эса вақт тушунчаси микро ва макровоқелик омукталигида ўзига хос ифода касб этади.
10. Шеърятда лирик қахрамон ҳамда поэтик образ тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Усмон Азим ижодида дарахт, барг, қайиқ, балиқ, бўри, бекат каби нарса, буюм, тушунчалар билан боғлиқ образ ва деталларнинг қўлланиш даражаси юқори. Бахшиёналикни юзага келтирган образлар сифатида эса Эломон бахши, Элбек бахши,

Алпомиш, Барчин, “мерган”, “тулпор” сингариларни айтиб ўтиш мумкин. Фахриёрда неологизмлар: клон, wifi, email, леґо, like, onalin, dislike, adidas, nike, virtual, website, flash кабиларнинг; Абдували Қутбиддин шеърлятида эса тасаввуфий терминлар: риёзат, васл, жаннат, жаҳаннам, калима, дуо, сабр, тоқат, жойнамоз, офтоба, кофир зам-зам ва бошқаларнинг; Иқбол Мирзода халқона оҳангни қуюқроқ ва аниқроқ кўрсатадиган: куйдирмажон, қурғур, варрак, бўшангина, гўшанга, моҳитобон, куйдирги қиз, ҳолва, айвон, хилхона, қишлоқ, қадокқўл, келин, эна, рўмол, сумалак, ҳайит куни, ҳаж, ош каби сўз ва образли деталларнинг қўлланилиши услубни кўрсатувчи аломатга айланган. Бу каби образ, деталь ва сўзларнинг шоир шеърлятининг ёрқин тасвирлари бўлибгина қолмай, жамият, табиатга бўлган муносабатини очишга, шоир ўзлигининг ифодаси бўлиб жаранглашига замин яратади.

11. Бадиий асарда ҳикоя қилинаётган воқеа сюжет ҳисобланади. Бошқа турлар сингари лирикада ҳам сюжет мавжуд бўлиб, бирор воқеани эпизодик тасвирлаш ҳамда шу жараёнда ҳис-туйғуларнинг бўртиб туриши билан изоҳланади. Умуман, лирикада воқеа асосида яратилган шеърлар воқеабанд шеърлар деб аталади. Бироқ лирикада сюжетнинг барча унсурлари учрамайди. Шу сабабли бундай кўринишга эга бўлган шеърларни микросюжетли асарлар деб тавсифлаш тўғридир.
12. Лирикада ҳам бошқа турлар сингари сюжетнинг у ёки бу элементи учрайди. Микросюжетли асарлар воқеанинг штрихларини, хомаки чизгиларини ўзида акс эттиради. Лирик сюжет лирик қаҳрамоннинг бир лаҳзалик ўй-хаёли, руҳий ҳолати, кайфияти маҳсули бўлиб юзага чиқиши боис воқеанинг авж нуқталарига эътибор қаратилади.
13. Шоир маҳорати ва услубини кўрсатувчи тушунча композициядир. Усмон Азим кўпроқ ритмик композицияга мурожаат этади ва аксарият шеърлари шу асосга қурилади. Абдували Қутбиддин композицион тартиб беришда шеърларининг сарлавҳаларига алоҳида эътибор қаратади. Мазкур сарлавҳалар шеър поэтик ғоясини очишда ўзига хос калит вазифасини бажаради. Иқбол Мирзо ижодида эса рефренлар кўп такрорланади ва ўзига хос оҳангдорликни юзага келтиради. Фахриёр ранг-баранг шаклларни (тўртбурчак, учбурчак ва бош.) шеърларига сингдиради, олам ва одамнинг мураккаб ва чигал муносабатларини, ички иқлимнинг янгидан янги талқинларини чизади.
14. Фахриёр ижодида сонет, рондель (яъни кўшиқ), шеърлий эртак, шеърлий ривоят, фалсафий достон; Усмон Азим ижодида ғазал, баллада, кўшиқ, станс, достон, шеърлий драма, киноқисса; Иқбол Мирзо ижодида бағишлов, марсия, шеърлий эртак, шеърлий ҳикоя; Абдували Қутбиддин ижодида ғазал, тазод, бағишлов, эркин шеър, универсал шеърлар услубини кўрсатувчи жанрлар ва шакллар бўлиб юзага чиққан.
15. Абдували Қутбиддин ижодида тасаввуф ғоялари алоҳида ўрин тутади. Унинг асарларида ўзликни ахтариш – дунёни, ҳаётни, ҳақиқатни ҳамда Оллоҳни танишга йўналтирилган. Шоир тасаввуф ғояларини янги

модерн шаклларда ифода этганлиги боис оригинал ва бетакрор ижод намунаси юзага келган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ДАВРОНОВА МАХФУЗА ИСРОИЛОВНА

**ПОЭТИКА ИНДИВИДУАЛЬНОГО СТИЛЯ В СОВРЕМЕННОЙ
УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ**

**(на примере поэзии Усмона Азима, Икбола Мирзо,
Фахрияра и Абдували Кутбиддина)**

10.00.02 – Узбекская литература

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)

Самарканд – 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером №B2017.3 DSc/Fil 93.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета и Информационно-образовательном портале “Ziyonet” www.ziyonet.uz

Научный руководитель:	Хасанов Шавкат Ахадович доктор филологических наук
Официальные оппоненты:	Йулдошев Бойназар доктор филологических наук, профессор Рахимжонов Нуъмон доктор филологических наук, профессор Сабирдинов Акбарали доктор филологических наук
Ведущая научная организация:	Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.02.03 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете “_____” _____ 2019 года в ____ часов (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский парк, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирован за номером ____). Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский парк, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан “_____” _____ 2019 года.
(Протокол реестра рассылки от “_____” _____ 2019 года за номером ____).

М.К. Мухиддинов
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.филол.н., профессор

А.Б. Пардаев
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.филол.н.

А.Э. Маматов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых степеней,
д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Стиль – одно из понятий, охватывающих эпоху, направление и индивидуальные особенности, поэтому в мировой литературе особое внимание уделяется данному вопросу. Вносятся ясности в спорные вопросы феномена стиля поэта, составных элементов стиля и их роли в структуре произведения на основе определения средств формирования поэтического стиля, научно-теоретических подходов о новых стилистических направлениях и стилях. В настоящее время назрела необходимость системного изучения роли биографических данных в исследуемом вопросе, выявления факторов, определяющих литературную композицию индивидуального стиля, обоснования отличия стиля от метода, манеры, его обоснования в качестве особой поэтической категории, внесения ясности в определение стиля автора и стиля эпохи, определяют актуальность темы.

В мировом литературоведении проводятся определенные исследования в области изучения факторов, определяющих стиль авторов: среда, в которой они жили, ведущие требования эпохи, источники, которыми они питались, формирование литературно-эстетических взглядов, проявление «Я» в творчестве. В то же время в современной литературе востребованно научно-теоретическое изучение индивидуального стиля и поэтического мастерства в многообразии жанров и форм, с точки зрения целостности сюжета и композиции, в рамках романтизма, реализма, модерна и постмодерна, суфизма.

В годы независимости в узбекской поэзии появились лирические герои, считающие своим долгом сохранить национальную самобытность, и в то же время стремящиеся понять смысл жизни и тайны человеческой души, найти свое место в современных реалиях. При изучении изменений в поэтике современной поэзии материалом исследования служат стиль бахшиёна и интеллектуальность у Усмана Азима, народность поэзии Икбала Мирзо, модерн и постмодерн в стиле Фахрияра, превалирование суфийских мотивов в стиле Абдували Кутбиддина. Если изучение феномена стиля, во-первых, показывает “усиление роли и влияния представителей художественного творчества на жизнь общества”¹, во-вторых, это способствует определению их заключений о жизни и обществе. Сегодня как никогда ранее становится актуальным толкование таких вопросов, как поэт и его неповторимый стиль, изменения в характере созданного им лирического героя, познание и переосмысление духовного мира человека, поэтическое восприятие мира.

Настоящая диссертация в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-2789 от 17 февраля 2017 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил, 5 апрелдаги ПҚ-3350-сон рақамли “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2018 йил 6 апрель № 15 (4465)

научно-исследовательской деятельности”, Постановления №571 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 24 июля 2018 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Самаркандского государственного университета”, Стратегии действий¹ по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки технологий республики 1. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-нравственном развитии информатизированного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². В мировом литературоведении исследования по изучению феномена стиля, манеры поэта и его своеобразного мира, поэтики стиля проводятся в ведущих центрах мира, в частности, Cambridge University, Oxford University, Yale University (Англия), Süleyman Demirel Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Турция), Praha: Institut sociálních vztahů, Univerzita Karlova (Прага), New York University Georgetown University, University of Texas (США), Московском государственном университете (Россия) и Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (Узбекистан).

В мировом литературоведении получены следующие достижения по разработке теоретических основ стилистики, индивидуальных особенностей в поэзии: разработаны теоретические основы и методология стиля (Cambridge University, Oxford University, Yale University, Great Britain); в стилистическом плане выявлены виды текста: повествование автора или рассказчика, виды диалогической и монологической речи (Süleyman Demirel Üniversitesi, Ankara Üniversitesi, Turkiya); изучен диалектический пласт в своеобразном тексте, анализированы моменты создания произведения автором, создана концепция стиля в плане рассмотрения произведения как понятия, связывающего со временем (Institut sociálních vztahů, Univerzita Karlova Praha); определены категории стиля как одна из отраслей семиотики (New York University, Georgetown University, University of Texas, USA); разработан феномен стиля с точки зрения автора, создана теория стиля (Московский государственный университет, Россия); определено направление стиля в узбекской классической литературе в качестве направления (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Узбекистан).

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида.// Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль. № 28 (6722) –б.1-2.

² Диссертация бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.scopus.com>, <http://www.sosyalarastirmalar.com>. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

В мировом литературоведении проводятся исследования по следующим приоритетным направлениям по поэтике стиля: исследование моментов создания произведения или изучение произведения как понятия, связывающего с эпохой; определение стиля как профессионального направления; раскрытие роли героя в тексте или социальной жизни; определение канала, кода с точки зрения современной поэзии.

Степень изученности проблемы. В литературоведении оценка теоретика суждения А.Н.Соколов о том, что “эстетическая ценность стиля может быть определена лишь его идейно-образным содержанием”, остается актуальной и сегодня.

Поэтика стиля в русском литературоведении рассмотрена в работах А.Н.Соколова, М.Н.Османова, Г.Н.Поспелова, Е.А.Куянцевой, И.И.Гиляевой, Н.Д.Павловой, И.В.Ерохиной, В.А.Алафаевой, М.С.Сулеймановой, Е.В.Ларченковой, а в узбекском литературоведении Фитратом, И.Султоном, Н.Шукуровым, С.Мамажоновым, Х.Болтабоевым, Т.Расуловым, И.Тулаковым, Н.Джуманиязовой, Д.Холдоровым и другими¹. В целом, существуют многоаспектные исследования о поэтике, лирике и творческого мира писателя².

Понятие стиля в первую очередь зависит от формы. Но он также связан с героем, идеей, сюжетом, языком, методом, мировоззрением. Это “явление,

